

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ОДИЛ СУДЛОВ СОҲАСИДА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Каримов Темур Мамарахим ўғли

Тошкент давлат юридик университетининг мустақил изланувчиси

E-mail: temur_karimov_1994@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20062455>

Аннотация: Мазкур илмий тадқиқотда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш институтига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар чуқур ўрганилган. Шу билан бирга, одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимида амалга оширилган ижобий ислоҳотлар қайд этилган. Бундан ташқари, мамлакатимизда судьялик мақомини олишнинг қонунчиликда назарда тутилган икки хил йўналиши, касбий қайта тайёрлаш курсларида ўқиш муддатлари ҳамда бу борадаги Франция, Қозоғистон, Япониянинг ижобий тажрибалари ўрганилган ва таҳлил этилган.

Калит сўзлар: судьялик лавозимга номзод, талаблар, Одил судлов академияси, касбий қайта тайёрлаш курслари, бўш судьялик лавозимларига ўтказиладиган танловлар, илк бор судьялик лавозими.

Ўзбекистон Республикасида суд тизими учун юқори малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, шунингдек, таълим, илм-фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлашга қаратилган комплекс институционал ислоҳотлар изчил равишда амалга оширилди. Мазкур ислоҳотлар натижасида профессионал судьялар корпусини шакллантиришнинг самарали механизмлари жорий этилди ҳамда ушбу соҳада барқарор ҳуқуқий-меъёрий база яратилди.

Хусусан, суд кадрларини тайёрлаш тизимида назарий билимларни амалий кўникмалар билан уйғунлаштириш, илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш орқали кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса, ўз навбатида, судьяларнинг касбий компетенцияси, ҳуқуқий тафаккури ва мустақил қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Амалдаги қонунчиликка кўра[1], Ўзбекистон Республикасида судьялик мақомини олишнинг қуйидаги икки хил йўналиши мавжуд:

Биринчи йўналиш: Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 67–68-моддаларида белгиланган талабларга тўлиқ жавоб берадиган номзодлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Одил судлов академиясида таҳсил олиши шарт. Мазкур таълим дастурини муваффақиятли тамомлаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Судьялар олий кенгаши томонидан эълон қилинган вакант судьялик лавозимлари учун танловда иштирок этади.

Танлов натижаларига кўра муносиб деб топилган номзодлар Ўзбекистон Республикасининг Судьялар олий кенгаши қарори асосида судьялик лавозимига тайинланади.

Иккинчи йўналиш: Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ёки келишиб олинадиган лавозимларда фаолият юритаётган, шунингдек, бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлган шахслар истисно тартибида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби (Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси)да мажбурий тартибда ўқитилмасдан, илк бор судьялик лавозимларига тайинланиши мумкин.

амлакатимизда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш соҳасида кенг ҳажмли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг 2021йил 28 июль кuni қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги ЎРҚ-703-сонли Қонун бунга ёрқин мисол бўла олади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4096-сон қарори[2]ни ҳам келтириб ўтиш мумкин.

Бунга қадар суд-ҳуқуқ соҳасида кадрлар тайёрлашнинг амалдаги тизими таҳлили профессионал ва етук судьялик корпусини шакллантириш учун зарур юқори стандартларни жорий этишга салбий таъсир кўрсатаётган қатор муаммолар мавжуд бўлган. Жумладан:

– судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлашнинг амалдаги тартиби самараси паст бўлиб, кўп ресурс сарфлашни талаб этган, бу суд кадрларининг малакали захирасини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатган;

– судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш ишларини ташкил этишга доир ёндашувлар ўқув жараёнининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқлигини лозим даражада таъминланмаган ва замонавий талабларга жавоб бермаган;

– судьяликка номзодларнинг стажировкасини уларни асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда ташкил этишнинг самарасиз тизими улар томонидан зарур амалий кўникмаларни эгаллашни рағбатлантирмаган;

– эскирган ўқув-услугий база ва илмий-тадқиқот фаолияти ҳамда ўқув жараёнининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқ эмаслиги тингловчиларда қарорлар қабул қилишда ижодий ёндашувсиз “қолипли фикрлаш”нинг шаклланишига олиб келган. Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлашда айнан ушбу сабабларни бартараф этиш учун замонавий механизмларни жорий этиш зарур ҳисобланади.

Мазкур қарор асосида 2019йил 10 январдан бошлаб судьялик фаолиятини амалга ошириш ва судлар ишини ташкил этиш, касбий этика, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмаларини ўқитишга, суд кадрларининг илмий-таҳлилий ва креатив салоҳиятини шакллантиришга қаратилган, грант асосида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича амалга ошириладиган судьялик лавозимларини эгаллаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш тартиби жорий этилган.

Қайд этиш жоизки, судьялик лавозимларига 2020йил 1 сентябрдан бошлаб фақат судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўқишни муваффақиятли тамомлаган шахслар тайинланиши белгилаб берилди.

Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-141-сон Фармони[3] қабул қилингунга қадар амалда бўлган.

Мазкур Фармонда 3-боби бевосита судьяларни қайта тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга оид бўлиб, унда 2025йил 1 октябрдан бошлаб судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш Академиянинг олти ойлик касбий қайта тайёрлаш курсларида давлат гранти асосида суд ихтисосликлари бўйича ташкил этилиши белгилаб берилди.

Мазкур ижобий амалиётни бевосита Қозоғистон Республикаси қонунчилигида кўриш мумкин.

Қозоғистон Республикасида Одил судлов академияси 2016 йилда Президентнинг 198-сон Фармони асосида ташкил этилган бўлиб, 2024йил 15 июлдан эътиборан унинг институционал бўйсунувчанлиги ўзгартирилиб, Олий суд тасарруфидан Судьялар олий кенгаши тасарруфига ўтказилган. Мазкур Академия суд кадрларини тайёрлаш тизимининг муҳим бўғини сифатида магистратура ва докторантура таълим дастурларини, шунингдек, судьялик лавозимига номзодлар учун малака имтиҳонига тайёрлов курсларини амалга оширади[4].

2025йил 1 октябрдан бошлаб судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлашни Академиянинг олти ойлик касбий қайта тайёрлаш курслари орқали давлат гранти асосида ташкил этиш амалиёти халқаро илғор моделлар билан мазмунан уйғун бўлиб, унинг самарадорлиги қатор асосли омиллар билан изоҳланади.

биринчидан, судьяликка номзодларни марказлашган тарзда махсус таълим муассасалари орқали тайёрлаш ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бир хиллигини таъминлашга хизмат қилади. Масалан, Францияда École nationale de la magistrature[5] (ENM) орқали амалга ошириладиган кўп босқичли тайёрлов жараёнида номзодлар фақат назарий билимлар билан чекланиб қолмасдан, суд амалиётига яқинлаштирилган кейслар, моделлаштирилган суд жараёнлари ва узоқ муддатли стажировкалар орқали комплекс тайёргарликдан ўтадилар. Бу эса суд қарорларининг сифати ва барқарорлигини оширишга хизмат қилади.

иккинчидан, давлат гранти асосида тайёрловни ташкил этиш судьялик лавозимига энг муносиб номзодларни жалб қилиш имконини кенгайтиради. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари номзодларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, қобилиятли кадрларни танлаб олишга хизмат қилади. Хусусан, Қозоғистон[6]да Odil sudlov akademiyasi томонидан таклиф этиладиган дастурлар давлат томонидан молиялаштирилиб, судьялик корпусини шакллантиришда тенг имкониятлар тамойилини таъминлайди.

учинчидан, Японияда Legal Training and Research Institute (LTRI) 1947 йилдан буён Олий суд ҳузурида фаолият юритиб келмоқда ва мамлакатда судьялар, прокурорлар ҳамда адвокатлар учун ягона марказлашган касбий тайёрлов институти сифатида намоён бўлади. Ушбу институт “ягона касбий мактаб” модели асосида фаолият юритиб, ҳуқуқни қўлловчи барча субъектлар учун стандартлаштирилган ва интеграциялашган тайёргарлик тизимини таъминлайди[7]. Мазкур тизимга кўра, давлат адвокатура (bar) имтиҳонидан муваффақиятли ўтган ҳар бир номзод LTRIda 12 ойлик мажбурий ва ҳақ

тўланадиган амалий тайёргарлик курсини ўташи шарт ҳисобланади. Ушбу тайёрлов жараёни назарий билимларни чуқурлаштириш билан бир қаторда, судлар, прокуратура органлари ҳамда адвокатура тузилмаларида амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган комплекс стажировкани ўз ичига олади.

Шу жиҳатдан, Япония модели ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашда марказлашганлик, узвийлик ва амалиётга йўналтирилганлик тамойилларини уйғунлаштирган ҳолда, суд-ҳуқуқ тизими субъектларининг касбий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилувчи самарали институционал механизм сифатида баҳоланади.

Хулоса қилиб айтганда, судьялик лавозимларига номзодларни Академиянинг олти ойлик касбий қайта тайёрлаш курслари орқали давлат гранти асосида тайёрлаш амалиёти халқаро илғор тажрибаларга мос келадиган самарали институционал механизм ҳисобланади. Хусусан, École nationale de la magistrature тажрибасидаги каби марказлашган ва комплекс тайёрлов тизими суд амалиётининг бир хиллигини таъминласа, Odil sudlov akademiyasi мисолида давлат томонидан молиялаштириш энг муносиб ва қобилиятли номзодларни жалб қилиш имкониятини кенгайтиради. Шу жиҳатдан, мазкур ёндашув судьялик корпусини сифат жиҳатдан такомиллаштириш, суд қарорлари барқарорлигини таъминлаш ҳамда одил судловга бўлган ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, касбий қайта тайёрлаш курслари қонунчиликни қўллаш кўникмасининг амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаган ҳолда «назария – амалиёт-имитация» тамойили асосида дуал таълим шаклида ташкил этилиши белгиланди ҳамда касбий қайта тайёрлаш курслари тингловчиларининг амалий кўникмасини шакллантириш мақсадида амалий машғулотлар деонтологик услубда ўтказилади. Бунда тингловчиларнинг тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура, суд-экспертиза ва бошқа давлат органлари ва муассасалари фаолиятида бевосита иштирок этиши таъминланиши қайд этиб қўйилди.

Бу борада хулоса қилиб айтганда, мазкур тизим касбий қайта тайёрлаш курсларини назария, амалиёт ва имитация уйғунлигига асосланган дуал таълим шаклида ташкил этишни назарда тутди. Бу орқали тингловчилар ҳуқуқни қўллаш кўникмаларини реал ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура, суд ва экспертиза муассасалари фаолиятида бевосита иштирок этиш орқали шакллантиради ҳамда амалий тайёргарлик даражаси сезиларли оширилади.

Бундан ташқари, касбий қайта тайёрлаш курсларини тамомлаганда Судьялар олий кенгаши раҳбарлигида ташкил этиладиган идоралараро комиссия томонидан якуний аттестация имтиҳони ўтказилиши ҳамда ундан муваффақиятли ўтган битирувчиларга белгиланган намунадаги сертификат берилиши, шундан сўнг касбий қайта тайёрлаш курсларини муваффақиятли тугатганлиги тўғрисидаги сертификатга эга бўлган шахслар аризасига асосан бўш судьялик лавозимларига ўтказиладиган танловларда иштирок этиши мумкинлиги белгиланган.

Касбий қайта тайёрлаш курсларида ўқиш дастурини ўзлаштирмаган ва якуний аттестация имтиҳонидан муваффақиятли ўтмаган тингловчилар, бўш судьялик лавозимига уч йилгача муддатда ариза топширмаган ёки таклиф этилган судьялик лавозимини эгаллашни рад этган битирувчилар ўқиш даврида олинган стипендия

суммасини Давлат бюджетига тўлиқ миқдорда қоплаб бериши лозимлиги алоҳида таъкидланган.

Мазкур қонданинг белгиланиши қуйидаги учта асосий мақсадга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, у касбий қайта тайёрлаш курсларида ўқишга бўлган масъулият ва интизомни кучайтиради. Чунки тингловчи ўқишни тўлиқ ўзлаштириши ва якуний аттестациядан муваффақиятли ўтиши шарт эканини англайди.

иккинчидан, давлат бюджети маблағларининг самарали сарфланишини таъминлайди. Яъни, стипендия “беҳуда харажат” бўлиб қолмаслиги, балки реал натижа – судьялик лавозимига тайёр кадр тайёрланиши билан қопланишига хизмат қилади.

учинчидан, судьялик лавозимига нисбатан масъулиятли ёндашувни шакллантиради. Агар битирувчи белгиланган муддатда лавозимга ариза бермаса ёки таклифни рад этса, у ҳолда у олган давлат стипендиясини қайтариш мажбурияти орқали тизимда “**мажбурият ва жавобгарлик мувозанати**” таъминланади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, энг аввало, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу жараён судьялар ва бошқа ҳуқуқшунос кадрларнинг касбий билим, амалий кўникма ва ҳуқуқий маданиятини юқори даражада шакллантириш имконини беради.

Шу билан бирга, мазкур ислохотлар одил судлов сифатини яхшилаш, суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини таъминлаш ҳамда жамиятда суд тизимига бўлган ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бундан ташқари, халқаро стандартларга мувофиқ замонавий кадрлар тайёрлаш орқали ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бир хиллиги ва барқарорлиги таъминланади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021йил 28 июль куни қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги ЎРҚ-703-сон Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021 й., 03/21/703/0723-сон; 02.03.2024 й., 03/24/917/0170-сон;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019йил 6 январдаги ПҚ-4096-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.01.2019 й., 07/19/4096/2427-сон; 13.01.2021 й., 06/21/6134/0021-сон; 13.04.2021 й., 06/21/6206/0339-сон
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-141-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.08.2025 й., 06/25/141/0772-сон
4. Academy of justice under the high judicial council of the Republic of Kazakhstan // <https://sta.edu.kz/en/about-us/>
5. <https://www.enm.justice.fr/en/decision-making-profession>
6. Academy of justice under the high judicial council of the Republic of Kazakhstan // <https://sta.edu.kz/en/about-us/>
7. https://www.courts.go.jp/english/institute_01/institute/index.html